O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI 18 12 00
INV.№

**Da'vat**

***Кимки аёл ҳуқуқини ҳимоя қилса, бола ҳуқуқини ҳам ҳимоя қилган бўлади, бошқачароқ айтганда — у келажакни ҳам ҳимоя қилади.***

***Виктор ГЮГО***

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 13 декабрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 96 (7291)

**Ibrat**

***Шаҳрихон туманида "Таит" номли фермер хўжалигини ташкил этган тадбиркор инсон Шарифжон Жўраев ўз хўжалигида ишлаб топилган фойда ҳисобига 110 ўринли мактаб биноси қуриб берди.***

**2001 yil — Onalar va bolalar yili**

## БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ

**Боболаримиз куллиётларини варақлаган зиёлиларимиз улар орзу қилган авлод ҳақидаги фикрларга кўп бора дуч келганлар. Негаки одамзод яралибдики, такомиллик сари интилиб яшайди. Доимо фахр билан тилга олинадиган Форобий бобонинг Фозил шаҳри фуқаросини олинг. Оддий ҳунарманд бўлсин ёки ҳоким, унинг наздида, аввало, маънавияти юксак, жисмонан соғлом, иккинчидан ўз вазифаси(касби)нинг устаси.**

**Эътибор бераётган бўлсангиз, Юртбошимиз орзусидаги БАРКАМОЛ АВЛОД ҳам ана шу хусусиятларга эга бўлиши лозим. Бунда фақат бир фарқ бор. Абу Наср Форобий олим сифатида изланиб, куюниб, орзу қилиб ўтган бўлса, Ислом Каримов нафақат олим бўлиб изланмоқда, балки давлат раҳбари сифатида бу ғояни амалга оширмоқда. Илгари Форобийлар ёзган бу ғояларни амалга ошириш у ёқда турсин, ҳатто айтилган ғояга етарли эътибор берилмаган бўлса, энди баркамол авлодни тарбиялаш ғояси давлатнинг устувор сиёсатига айланди. Бу борада "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" тўғрисидаги Қонун, "Соғлом авлод" дастурлари асосида амалга оширилаётган ишлар фикримиз далилидир.**

**Конституция кунига бағишлаб "Туркистон" саройида ўтказилган тантанада Президентимизнинг янги асрнинг биринчи йилини "Оналар ва болалар йили" деб эълон қилганларида юқоридаги фикрлар яна бир бор хаёлдан ўтди. Ҳа, йилнинг шундай аталиши ўша сиёсатнинг узлуксиз давоми. Бизлардан, хусусан, ўқитувчилару мураббийлардан шу мақсад учун бирлашиш, зиммамиздаги ишларни бажариш учун доимо изланиш, такомиллашиб бориш талаб этилади.**

**Munosabat**

**Юртбошимиз ўз нутқида таълим ходимлари олдидаги бу вазифаларни яна бир бор таъкидлади.**

**«Фарзандларимизнинг онги шаклланадиган мактаб ёшигача бўлган даврда ота-боболаримиздан қолган урф-одатлар, гўзал қадриятлар ва замонавий тарбия усулларига амал қилган ҳолда тарбиялаш, уларни кўз ўнгида очилаётган дунё мўъжизалари билан таништириб бориш барча ота-оналар ва тарбиячиларимизнинг асосий вазифаси бўлмоғи керак.**

**Айниқса, бошланғич синфларда ўқиётган даврда ўғил-қизларимизга билим бериш, уларни миллий руҳда тарбиялаш билан бирга чет тилларга, умуминсоний қадриятларга ҳам қизиқтириб бориш зарур.**

**Бошқача айтганда, мана шу барча жараёнларда она ва боланинг ҳаёти бир-бирига узвий боғлиқлигини, она ва оиланинг болага таъсири, унинг айнан шу муҳитда ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан озиқ олишини ҳеч қачон унутмаслик керак. Чунки, бола деганда, биз унинг балоғат ёшигача бўлган, яъни ота-онаси бағрида, ота-онаси паноҳида яшайдиган даврини тушунамиз».**

**Нутқда тиббиёт, педагогика ва психология соҳасидаги олимлар олдига ҳам жиддий вазифалар қўйилдики, ҳар бир амал илмий жиҳатдан асосланиши зарурдир. "Оналар ва болалар йили»нинг асосий вазифалари ҳақида гапирганда, болани гўдаклигидан ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан тўғри тарбиялашни, бу даврда замонавий тиббиёт, педагогика, психология фанлари тавсияларини ҳар қайси оилада жорий қилиш айниқса зарурлигини тушуниб олишимиз лозим".**

**Айни кунда барча ташкилот ва идоралар шу ишларни амалга ошириш бўйича дастур тузмоқдалар, дастур тузиш учун таклифлар бермоқдалар. Азиз муаллим, меҳрибон мураббий, муҳтарам олимларимиз сизнинг бу йўналишда шахсий дастурингиз борми? Уни қандай тузяпсиз, ҳаётингизда қандай ўзгариш ясамоқчисиз?**

**Булар олим ва педагог сифатида айтар гапларим эди. Энди она сифатида айтишим мумкинки, бундай эътибордан ҳар бир аёл дилдан миннатдорчилик туйғусини туйди. Албатта, бу эътибор замиридаги масъулиятни, яъни соғлом фарзандни тарбиялаб, вояга етказишда ўз ОНАлик бурчимизни сидқидилдан бажаришимиз фарз эканлигини ҳар биримиз англаб етишимиз ва амалда бажаришимиз лозим. Амалда бажарган ибратли ишларимиз билангина Президентимизнинг эътибори, ҳурмати учун миннатдорчилик билдирган бўламиз.**

**Гуландом БОҚИЕВА,**
**филология фанлари доктори,**
**профессор, Олий Мажлис депутати**



*2001 ЙИЛ — ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ*

## "КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ: НАТИЖАЛАР ВА ИСЛОҲОТЛАР ИСТИҚБОЛЛАРИ"

Газетамизнинг ўтган сонида хабар қилган эдикки, пойтахтимиздаги "Шератон—Тошкент" меҳмонхонасида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури: натижалар ва ислоҳотлар истиқболлари" мавзусига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуман иштирокчилари 6 декабрь куни ўз ишини давом эттирди.

Меҳмон келса, ўзбек уни хонадонининг тўрига ўтказади, бисотидаги энг сара нарсалар билан сийлайди. Анжуманга АҚШ, Германия, Корея, Россия ва бошқа давлатлардан ташриф буюрган вакиллар белгиланган дастурга мувофиқ, махсус автобусда Тошкент шаҳри бўйлаб саёҳатга чиқишди.

Республика ўқувчилар саройида ясанган қизалоқларнинг меҳмонларга гул тортиқ этиши, миллий мусиқамиз жўрлигида рақсга тушишлари меҳмонларни мафтун этди. Миллий либос — атлас, қи-йиқча, дўппи, этик раққоса ва созандаларга шу қадар ярашгани нафақат меҳмонларни, балки уларга ҳамроҳлик қилаётган мезбонларни ҳам лол қолдирди.

Сарой директори О.Иброҳимова минглаб мактаб ўқувчилари талпинадиган бу кошона фаолияти ҳақида ҳикоя қилиб берди:

— Ҳар бир болада қандайдир интеллект бор. Саройимиз ана шу интеллектни ривожлантириш тарафдори. Саройимизда бугунги кунда 220 та йўналишдаги тўгарак ишлаяпти. Уларга 5 минг нафар мактаб ўқувчиси уюшган. Машғулотлар текин, бу эса ўз фарзандлари камоли ҳақида қайғурувчи оилалар учун катта имкониятдир.

Тасвирий санъат, ганч ўймакорлиги, доира, ҳайкалтарошлик тўгараклари машғулотларига кирган меҳмонлар ўзбек болаларидаги интилувчанликни, ижодкорликни илғашар экан, ҳайрат маъносида бош чайқашди.

Саройнинг кўргазмалар залидаги экспонатлар юзлаб, бу ерда Ўзбекистоннинг турли бурчакларидаги мактаб ўқувчиларининг ижод намуналари жой олган. Қўғирчоқлар, сопол буюмлар, нақшинкор стуллар, мармардан ишланган ёдгорлик буюмлари, ҳайкалчалар...

Тан бериш ҳам инсоний хислат. Инсон ўзи эплай олмаган ишни бошқалар қойил даражада адо этганини кўрса, тан беради. Ўқувчилар саройидаги

**Xalqaro anjuman**

ижодкорлик муҳитидан ҳайратга тушган хорижликлар ҳақида шундай дейишга эҳтимол ҳақли эмасдирмиз. Чунки бизда бори уларда йўқ, уларда бори эса бизда...

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейи директори Матёқуб Бақоев лутфу икромни "Ассалому алайкум" каломидан бошлаб, инглизчада "сайраб" кетди. Таржимонга ҳам ҳожат қолмади. Энг замонавий турдаги лицейнинг нафақат сиртқи кўриниши, унинг ичкарисидаги мазмун ҳам тўлақонли, аъло даражада эканлигини гўёки ифодалаб турибди. Академик лицейда умумтаълим дастурлари таркибидаги инглиз тили, иқтисод, тарих йўналишлари чуқурлаштирилган.

Тошкент Ислом университети меҳмонлар ташриф буюрган охирги манзил бўлди. Университет аудиторияларининг жиҳозланиши — замонавий компьютер, мультимедиа, телерадио аппаратуралар гарчанд меҳмонларга мўъжиза бўлиб туюлмаса-да, университет биқинидаги Юнусхон мақбарасига зиёрат уларни анчайин таажжубга солди...

Саёҳат — танга роҳат. Бу — халқимиз ибораси. Муаззам пойтахтимизнинг бир қанча гўшаларини айланган меҳмонларнинг фикри қандай?

**Лоренц ЯМ, Сеул:**

— Шахсни камолга етказиш учун сизларда барча шароитлар етарли экан.

**Руперт ШТАДЛЕР, Германия:**

— Ислом университетидаги таълим тизими менга жуда маъқул тушди. Бу ерда нафақат ислом дини, балки дунёдаги бошқа динлар ҳам қиёсий ўрганилар экан.

**Хартман ЛИЕБЕТРУТ, профессор, Германия:**

— Республика Ўқувчилар саройидаги кўргазмада миллийликка, халқ ҳунармандчилигига хос жиҳатларни ўзида акс эттирган "Бешик", "Беланчак", "Нон савати", "Қора уй", "Адоқ арава" каби намуналар, айниқса, менга ёқди. Шайхонтоҳур академик лицейида талабаларга яратилган шарт-шароитлар, айниқса, кимё лабораториясидаги жиҳозлар айни шу кун талабларига жавоб беради. Лицей раҳбарининг эса даргоҳ келажаги ва ёшлар камолоти ҳақида гапирган сўзларини эса ёрқин истиқболга ишонч, деб тушундим. Тошкент Ислом университетидаги "Ислом ҳуқуқлари" фани дарсини кузатиб, у ерда дарс олиб бораётган жаноб Абдулҳаким Жузжоний суҳбатларидан баҳраманд бўлдим.

**(Давоми 2-бетда)**

## 8 МЕТР КВАДРАТ ЕРДАН 4 МИЛЛИОН СЎМ ДАРОМАД

**олишни режалаштирган мактаб хусусида**

**Tashabbus**

Ҳа, шундай. Олтинсой туманидаги "Алпомиш" ширкат хўжалиги ҳудудидаги А.Қаҳҳор номидаги 47-умумтаълим ўрта мактаб жамоаси ўз-ўзини моддий жиҳатдан таъминлаш борасида ўрнак олса арзийдиган ташаббус билан чиқишди.

Улар мактабларидаги 548 нафар ўқувчи ҳамда 45 нафар устоз-ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялаш борасида мавжуд 60 сотих ердан унумли фойдаланмоқдалар. Яъни, ҳар йили 25 сотих ерга ерёнғоқ, 20 сотих ерга помидор экишиб, 200 минг сўмдан соф даромад олишди. Бундан ташқари, 30 туп хурмо кўчатидан 500-600 килограмм маҳсулот, 40 туп тераклинг ёғочларини ҳам 100 минг сўмдан ошиқ баҳога сотишди. Бу тадбирни тумандаги барча мактабларда ҳам ташкиллаштириш учун туман халқ таълими бўлими мудири Аҳмад Жалилов шу масканда семинар уюштирди. Мудир семинар иштирокчиларининг эътиборини бир нарсага қаратди.

—Биродарлар, 47-умумтаълим ўрта таълим мактаби директори Шафоат Мирзаев ўтган йил эрта баҳорда Денов бозорига бориб, ҳар килосини 5000 сўмдан, яъни 15 минг сўмга сосна уруғини олиб келиб, 8 метр квадрат жойга экишганди. Умид билан экилган уруғ бехато униб чиқди. Шу бугун 20000 дона кўчат бўлибди. Баҳорда уни бозорда сотишади. Бу арчадан соф 4 миллион сўм даромад бўлади. Арча кўчатини олишга ҳозирданоқ Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ҳузуридаги Курортлар бошқармаси талабгор бўлиб, буюртма берди. Шундай ердан фойдаланишни бошқа мактабларда ҳам жорий этиш мумкин-ку, — деди.

—Кўчатимизга харидор бор. Меҳнатимиз ортидан келган даромадга мактабимизни таъмирлаб, 6 та синфхона қурамиз. Қолган қисмини эса маданий-оқартув ишларига, ўқитувчиларимизга мукофотлар, ота-онасиз қолган ўқувчиларга моддий ёрдам, аълочи ўқувчиларга стипендиялар ташкиллаштирамиз. Шунингдек, спорт майдончалари қуриб, мактабимиз кутубхонасига ўқув дарсликлари, бадиий китоблар харид қиламиз, — дейди мактаб директори Шафоат Мирзаев.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**журналист**

## ҚИССАДАН ҲИССА

**Бугун миллий истиқлол ғоясини фуқароларимиз, айниқса ёшларимиз онгига сингдириш бўйича талай ишлар олиб борилмоқда. Мактабларда дарс берадиган ўқитувчилар, халқ орасида ишлайдиган воизлар тайёрланмоқда. Республика "Маънавият ва маърифат" маркази "Воизга ёрдам" рукнида бир неча рисолалар ҳам чоп этди.**

**Жараёнда яна бир жиҳат намоён бўлмоқдаки, ҳар қандай ваъз, суҳбатлар мисоллару далиллар билан таъсирли бўлади. Шу боис ўқитувчилару воизларга ёрдам тариқасида миллатнинг, юртнинг ориятли, мард, ватанпарвар ўғлонлари, уларнинг ҳаётларидан ибратли лавҳалар келтирамиз ҳамда малол келмаса сизни қиссадан ҳисса чиқаришга ундаймиз. Бундай ҳикоятлар билан сиз ҳам иштирок этишингиз мумкин, азиз муштарий!**

**Публицист Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ сўзлаб берган ҳикоят:**

### ОРИЯТЛИ НОВВОЙ

*Қўқонда бир новвой бўлган экан. У ҳар оқшом туриб, нон ёпиб, нонларни саватга солиб, эрта саҳардан йўлда оч қолган мусофирлар шу нондан еб кетсин, дея саватни кўчага чиқариб қўяр экан. Йўловчилар ҳам нонни олиб, пулини саватга ташлаб кетишаркан. Новвой ҳисоб-китоб қилганда йилига бир ёки икки бора олинган нон учун ҳақ тўланмагани маълум бўлар экан. Шунда у худога илтижо қилиб:*

— Эй, Оллоҳим! Мана шу нонни бир бечора, камбағал инсон олиб еган бўлса, мен розиман. Агар пули бўла туриб, ҳақини ташлаб кетмаган бўлса... унга ҳам розиман, худойим. Ундай ватандошимга ўзинг инсоф, иймон бергин, дер экан.

***Қиссадан ҳисса чиқариш учун савол:***

**1. Нега новвой "пули бўла туриб, ташлаб кетмаган" одамга худодан жазо сўрамади?**

## ЁРУҒ КЕЛАЖАК ЙЎЛИДАГИ ҒОВЛАР

***Республика прокуратураси томонидан академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилишида йўл қўйилган хато ва камчиликлар, юлғичликлар ҳамда қўшиб ёзиш каби қатор жиноятлар фош қилинди.***

**Oshkora**

Республика прокуратураси Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида сўзга чиққан умумий назорат бўлими бошлиғи Ҳамза Маҳмудов Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан ҳамкорликда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари қурилиши ҳамда уларни жиҳозлаш учун ажратилган бюджет ва бошқа пул маблағларининг мақсадли ва қонуний ишлатилишини текшириш натижалари тўғрисида маъруза қилди.

Ҳ.Маҳмудовнинг таъкидлашича, режага кўра, 2000 йилда 5 та академик лицей янгидан қурилиб, ишга туширилиши кўзда тутилган бўлса-да, шу давр мобайнида бирорта ҳам академик лицей қурилиши тугалланмаган. Янгидан қурилиши режалаштирилган 50 та касб-ҳунар коллежларидан эса бор-йўғи 11 таси фойдаланишга топширилган, холос.

Шунингдек, жорий йилда 14 та академик лицей ва 115 та касб-ҳунар коллежлари реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган ҳолда янги ўқув йилининг бошланишига фақат 6 та академик лицей ва 40 та касб-ҳунар коллежлари фойдаланишга топширилган. Ўтказилган текширишлар буюртмачи сифатидаги вилоят ҳокимликларининг капитал қурилиш бошқармалари ҳамда вилоятлар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари томонидан академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг қурилиш-таъмирлаш ишлари юзасидан назорат керакли даражада ўрнатилмаганлигини кўрсатди.

Текширишларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг қурилиш ва таъмирлаш ишлари лойиҳа-смета ҳужжатларисиз бошланганлиги, мавжуд лойиҳаларнинг сифатсиз тайёрланганлиги, лойиҳа-сметада кўрсатилган ишлар бажарилиб, бюджет маблағларининг ортиқча сарфланганлиги, тегишли мутасадди ташкилотлар раҳбар ва бошқа масъул шахсларнинг ўз хизмат вазифаларига масъулиятсизлиги оқибатида шартномада белгиланган шартлар ва мажбуриятлар ўрнатилган тартибда ижро этилмаганлиги маълум бўлди. Қурилиш-монтаж ва бошқа хизмат турлари бўйича ўзаро ҳисоб-китобларнинг амалга оширилмаганлиги, ушбу ишларнинг олдиндан 15 фоиз тўловларсиз бажарилганлиги қайд этилди. Баъзида эса тегишли шартномалар тузилмаганлиги, иш ҳажмларини расмий ҳисобот маълумотларига қўшиб ёзиш йўли билан асоссиз даромад олиш, жуда кўп ҳолларда эса қурилиш ва таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш учун ажратилган бюджет ва бошқа пул маблағларининг бошқа мақсадларга сарфланганлиги, шу жумладан талон-торож ва ўзлаштирилиши натижасида жиноий суиистеъмолликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

**(Давоми 2-бетда)**

***Сизнинг нашрингиз, ҳаммаслагингиз —***

**Ma'rifat**

***газетасига 2001 йил учун обуна бўлишни унутмадингизми?***

***Оз фурсат қолди...***

**JUMLADA JAHON**

**• 11 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг якунловчи мажлиси бўлиб ўтди.**

**• Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессиясининг очилиши тўғрисидаги хабарга кўра, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессияси 2000 йил 14 декабрь куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.**

**• АҚШ давлат котибининг Янги Мустақил Давлатлар бўйича махсус маслаҳатчиси Стивен Сестанович Ўзбекистонга ташрифи якунларига бағишлаб маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказди.**

**• Мамлакатимизга ташриф буюрган жаҳон божхона ташкилоти (ЖБТ) Бош директори Мишел Дане Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов билан учрашди.**

**• Коста-Рикада мамлакат полицияси ва АҚШнинг наркотикларга қарши кураш бошқармаси ходимлари ҳамкорликда ўтказган операция натижасида 4 тоннага яқин кокаин мусодара қилинди.**

**• Бундан бир йил муқаддам ҳарбий тўнтариш туфайли лавозимидан айрилиб, умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган Покистон бош вазири Навоз Шарифнинг соғлиги кескин ёмонлашди.**

**• Малайзияда "Ал-Мануаҳ" диний-экстремистик гуруҳи жангариларидан олти нафари қуролли босқин, талон-тарож, қотиллик ва гаровга олиш каби жиноятларда айбланиб, 10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди.**

**• Зимбабве Президенти Роберт Мугабе оқ танли фермерлар илгари тортиб олинган ерларни қайтариб олишга ҳаракат қилса, улар мамлакатдан ҳайдаб чиқарилишини маълум қилди.**

Faxr

## ХАЙРОБОДДА ШУНДАЙ МАКТАБ БОР

Ўз бағрига 115 нафар ўқитувчи, 1573 нафар ўқувчини олган билим даргоҳи нафақат Жиззах музофотида, балки қўшни вилоятларда ҳам ўз ўрнига эга. Хўш, бундай мавқега қандай эришилди, деган савол пайдо бўлиши табиий. Гап шундаки, таълим тизимида наинки янгилик, илғор тажриба бўлса худди шу ер — "Ўзбекистон" мактабида синовдан ўтиб, амалиётга тадбиқ этилади. Масалан, вилоят мактаблари орасида биринчи бўлиб ташкил этилган "Мониторинг хонаси"ни олинг. Давлат таълим стандартлари бўйича ўқувчиларнинг билим даражаси, турли кўрик-танловлардаги иштирокини акс эттирувчи мазкур даргоҳга кўплаб зиёлиларнинг қизиқиши ортиб бормоқда. Чунончи, хайрободлик ўқитувчилар иш услубида новаторлик, янгиликка интилиш устун. Пировард натижа эса қувончли. Мактаб 1999-2000 ўқув йилида ҳам фанлар олимпиадаси бўйича туманда биринчи ўринни олишга сазовор бўлди.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида тадбиркор бўлиб, мактабни маблағ билан таъминламасанг, мурoду мақсадингга ета олмайсан. Халқ таълими аълочиси, биринчи тоифали ўқитувчи Қўчқор Исомов раҳбарлигидаги педагогик жамоанинг бу борада ҳам қўли баланд. Мана бу маълумотлар мағзини чақсангиз, сизнинг ҳам бунга ишончингиз комил бўлади: мактабда 3 гектар боғ мавжуд бўлиб, ундан яхшигина даромад кўриляпти. Спорт зали ва майдончалар дарсдан бўш вақтда ижарага берилаётганлиги, дарахтлар остида озуқа экинлари етиштирилаётганлиги ҳам мактабнинг моддий-техника базасини мустаҳкамламоқда.

—Ижодкорлик жамоамизда юксак қадрланади, — деди ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари, "Мониторинг хонаси" мудири Абдуғани Орзиқулов. — Ўтган йили мактабимизда вилоят халқ таълими бошқармаси ва ўқитувчилар малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда "Янги педагогик технология — амалда" мавзуида семинар машғулоти бўлиб ўтди. Ана шу анжуманда мактабимиздан Равшан Жўраевнинг "Ўқувчилар билимини кўп балли тизимда баҳолаш ва унинг таҳлили" деб номланган маърузаси юқори баҳоланди.

Ўтган йили ўтказилган кўргазмали қуроллар танловида эса меҳнат ўқитувчиси Н.Қодиров томонидан тайёрланган "Электролобзик" қурилмаси вилоятда биринчи ўринни олди. Шунингдек, Н.Бозоров, Ш. Бойқозоқова, Ф. Жўраева, З. Жумаева сингари ижодкор ўқитувчиларнинг турли хил танловлардаги муваффақиятли иштироклари мактаб нуфузини оширмоқда.

Машғулотларни Давлат таълим стандартлари талаблари асосида олиб бориш яхши натижа бермоқда. Мактабда дарс ўтишнинг қуйидаги анъанавий усулларидан фойдаланилади: ижодий, ўйин, театр дарслари.

Масалан, ижодий машғулотлар иншо, ихтиро, ҳисоб, кўрик дарсларидан иборат бўлса, театр соатлари таркибига спектакл, концерт, хотира дарслари киради.

Яна баъзи бир муҳим жиҳатлар ҳақида фикр юритишни жоиз, деб биламан. Мазкур билим даргоҳида кўпчиликнинг фикри асосида ташкиллаштириладиган дарслар ҳам бор. Булар, умумий билимларнинг кўрик дарси, ўқувчиларнинг ташаббускорлик машғулотлари, мунозара соатлари, компьютерлардан фойдаланиш жараёнларидир.

Бенифис, портрет, интервью, бокс, диалог дарслари эса "Ўзбекистон" мактабида синовдан ўтаётган энг янги машғулот турларидан ҳисобланади. Замонавий ўқув техникаларисиз таълимда ижобий ўзгаришларга эришиб бўлмайди. 17-ўрта мактаб синфхоналари эса сўнгги нусхадаги компьютерлар, лингафон, телевизор, радио аппаратуралари, графо проектор, диапроектор, фотоаппаратлар билан жиҳозланган. Дарслар тўлиқ кабинет системасида олиб борилаётганлиги, 15 та фан тўгараги мунтазам фаолият кўрсатаётганлиги ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтириб, олимпиадаларда самарали иштирок этишларини таъминлаб келмоқда. Хусусан, 8-синф ўқувчиси Насиба Алимардонова республика иқтидорли болалар IX слётида иштирок этиб совриндор бўлди. Мактаб ёш сайёҳлари шу йил Бўстонлиқ туманида ўтказилган мамлакат миқёсидаги мусобақаларда қатнашиб, 85 километрли мураккаб тоғ юришида эпчиллик ва чаққонлик намуналарини кўрсатдилар.

Битирувчи синф ўқувчилари билимларни қунт ва сабот билан эгаллаганликлари боис, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқишни муваффақиятли давом эттиришмоқда. Бу йилги битирувчи синф ўқувчиларининг 12 нафари олий ўқув юртларида, 24 нафари техникум, коллеж ва касб-ҳунар лицейларида таҳсил олишаётганлиги ҳам таълимдаги ижобий ўзгаришлар самараси деб тушунмоқ керак.

Мактабнинг тажрибали ўқитувчиси Раҳмон Шокировни Жиззах музофотида танимайдиган одам йўқ. Футбол фахрийси, "Ўзбекистон халқ таълими аълочиси", олий тоифали ўқитувчи Р.Шокировнинг шогирдлари мактабда 670 нафарни ташкил этади. Улар 8 хил спорт тўгарагида маҳорат синовидан ўтишяпти ва ифтихор билан таъкидлаш кераки, ютуқлар қувончли. Ўқувчилар 1997 йили футбол бўйича ўсмирлар мусобақасида фахрли 2-ўринни эгаллашган бўлса, 1999 йилда ҳам "Футбол ғунчалари" беллашувида омад яна хайрободликларга кулиб боқди. Ёш жамоа Тошкентдан 2-ўрин билан қайтиб келди. Соғлом авлод йили эса мактаб футболчиларига қўшалоқ қувонч келтирди. Самарқанддаги халқаро турнирда 2-, Чирчиқда ўтказилган "Маҳалла болалари" мусобақасида 3-ўрин насиб этди. Қисқаси, мактаб бошқа жамоалар учун ўзига хос намуна вазифасини ўтамоқда.

**Т.КАМОЛОВ**

## УСТОЗ



*Юртимизнинг азиз ва фидойи фарзандларидан бири аллома Ғайбуллоҳ ас-Салом эди. Бу зоти шариф менинг меҳрибон домлам, жонажон устозим эдилар. Камина бу инсон билан қирқ йилга яқин бирга ишладим. У кишининг хурсандлик, саодатли кунларини ҳам, изтиробли дамларини ҳам кўрдим. Ғайбуллоҳ ас-Салом кенг қамровли филолог олим, толмас тадқиқотчи, элликдан ортиқ фан номзодлари ва фан докторлари ишига раҳбарлик қилган, юзлаб шогирдлари билан фахрланиб юрадиган дарёдил одам эди. Мен Ғайбуллоҳ акадан нафақат илмий-тадқиқот олиб бориш йўл-йўриғини, балки, энг аввало, жуда кўп инсоний сабоқлар олганман. Чунки домлам донишманд олим бўлиш баробарида эл-юрт дардида жон куйдирадиган, умр бўйи ўзбек илму маърифатини юксалтиришга камарбаста бўлиб келган одам эди. У кишининг бу фазилати 14 жилддан иборат биринчи ўзбек Қомусини тайёрлашда, кейинчалик Тошкент Давлат дорилфунуни (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)да таржима назарияси ва нашриёт ишлари кафедрасини тузишда, педагогик фаолиятида яққол кўзга ташланиб турди. Биринчи ўзбек Қомуси 60-йилларда шўролар даврида тайёрланган бўлса ҳам, аммо ўша давр тазйиқларига қарамай, тарихимизнинг жуда кўп ёрқин сиймолари, чунончи Амир Темур, Мирзо Бобур, Ҳусайн Бойқаро, Феруз, Беҳбудий, Фитрат, Мунаввар қори, У.Носир, С.Сиддиқ ҳақида мақолалар берилди, бой ўзбек маданиятини қамраб олишга имкон қадар ҳаракат қилинди. Академик Иброҳим Мўминов ва Ғайбуллоҳ Саломов бошчилигида бир гуруҳ ватанпарвар зиёлиларимиз кечани кеча, кундузни кундуз демай, бир фавқулодда ғайрат билан бу ишни амалга оширганларига ўзим гувоҳ бўлганман.*

*Бироқ домланинг бу ғайрат-шижоати айрим шўропараст ғаламисларга ёқмади, у киши атрофида ғийбат-туҳматни авж олдирдилар, "партия қозонида қайнамаган, коммунист эмас" деб "айб" қўйдилар. Оқибатда Ғайбуллоҳ ака Қомус бош таҳририятидаги лавозимидан воз кечишга мажбур бўлди.*

*Бироқ у ўзининг эзгу ниятларидан қайтмаган эди, ўзининг маърифатпарварлик фаолиятини олий ўқув юртида давом эттирди: Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика факультетида очилган таржима назарияси кафедраси мудири Ғайбуллоҳ Саломов атрофида тез орада ижодкор ёшлар тўплана бошладилар. Кафедра янги фикр, янги қарашлар, миллий маърифат жонкуярлари баҳс-мунозара қиладиган жойга айланиб қолди. Зеро, таржимашунослик — бу фақат икки тилдаги матн чоғиштириш ёки бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш билан кифояланиш эмас эди. Бадиий таржима — ўзбек тилининг салоҳияти ва қудратини кўрсатиш, жаҳон адабиёти дурдоналарини миллий заминга кўчириш ва шу орқали Ватан маънавиятини бойитиш воситаси, шўроларнинг схоластик, чекланган мафкурасини ёриб ўтиб, янги ғояларни олиб кириш воситаси эди. Ғ.Саломов Ўзбекистонда бадиий таржимани ана шу йўналишда ўрганиб, янги илмий мактабнинг асосчиси бўлди. "Таржима тарихи", "Таржима услубияти", "Таржима назарияси асослари" деган дастурлар тузди, 2 та дарслик, 5 та адабий-танқидий китоб яратди, "Таржима санъати" тўпламининг 6 китобини нашр эттирди.*

*Домланинг дарслари, маърузалари ўзининг юқори савиядаги мазмундорлиги, ижодийлиги билан талабалар қалбидан чуқур жой оларди. Домла бутун вужуди билан қуруқ ваъзхонликка, қотиб қолган усулларга қарши эди. У талабалар билан тезда иноқлашиб кетар, уларни қизиқтирган саволларга бамайлихотир жавоб берар, дарс шу тариқа жонли суҳбатга айланиб кетарди. Ғайбулла ака аудиторияни оҳанграбодай ўзига жалб қилар, адабиётдан, тилдан мисолларни шундай моҳирона тушунтирар, эҳтиросга берилиб сўзлардики, тингловчи унга маҳлиё бўлиб қоларди.*

*Домла самимий гапирар, аввало ўзи таҳлил қилаётган матнлар, мавзулардан завқланар, юзлари қизариб, кўзлари порлаб кетарди. Бу эса тингловчиларга ҳам ўтиб, улар юрагига кириб борарди. У олий таълимни ислоҳ қилиш ғоясини етмишинчи йиллардаёқ кўтариб чиққан эди. Бироқ бунга у пайтда ким эътибор қиларди дейсиз? Бунинг устига таржима назарияси кафедраси истеъдодли ёшларнинг ихлос қўйган жойи бўлгани "коммунистик тарбия" тарафдорларининг ғашини келтирарди. Кафедра журналистика факультетидан филологияга, ундан рус филологиясига, кейин эса роман-герман филологияси факультетига "бадарға" қилинди. Бундай муносабат Ғайбуллоҳ аканинг юрагига зарба бўлиб тушарди. Бунинг устига ўша ғанимларнинг туҳматлари туфайли домла номзодлик диссертациясини ҳам, докторлик диссертациясини ҳам Москвага бориб, иккинчи марта ҳимоя қилди. Бу ҳам унинг қалбига оғир дард бўлиб ўрнашди.*

*Домла илмда ҳалол, заҳматкаш бўлгани каби ҳаётда ҳам ҳақгўй, чўрткесар одам эди. Пасткашлик, ғаламисликка тоқат қила олмас эди. Ва шунинг учун ўзи азият чекарди. Буларнинг аламини яна меҳнатдан оларди, ўзини аямасдан ишларди. Ёзганларини қайта-қайта таҳрир қилар ва ўзи машинкада босарди. Кечалари ухламасдан тонггача ишлаш одати бор эди. Битта сўз, битта жумлани ўн марталаб тузатар, то кўнгли тўлмагунча таҳрир қилаверарди. Домла шогирдларидан ҳам шундай пухтакорликни талаб қиларди. Шогирдга қаттиққўл Ғ.Саломов аспирантни шундай ишлатар эдики, натижада диссертация билан бирга диссертантнинг ўзи ҳам пишиб борар, илм заҳматини чекиб, ҳақиқий тадқиқот қадрига етадиган бўлиб қоларди. Шогирдлари ҳимоя қилаётганда, домла худди ўзи ҳимоя қилаётгандай ҳар гал ҳаяжонланиши, боладай қувонишини кўрганман. Бундан ҳузурланарди, чунки у ижод учун, илм-маърифат учун дунёда яшарди. Унинг учун таътил кунлари ҳам, дам олиш кунлари ҳам иш кунлари ҳисобланарди. Ана шундай ижодий меҳнат маҳсули ўлароқ, таржима ва адабий танқидга оид китобларидан ташқари "Толибнома", "Армон", "Эй умри азиз", "Эзгуликка чоғлан одамзод", "Ҳалоллик бозорда сотилмайди" номли китоблари дунёга келди.*

*Кейинги китоблари шуни кўрсатадики, Ғайбуллоҳ ас-Салом зукко ва тафаккури кенг таржимашунос олимгина эмас, қалами баракали адиб ҳамдир. Бу китоблар домланинг кўрган-кечирганлари, устоз ва шогирдлари, ўрнак олса арзийдиган оддий инсонларнинг улуғ маънавияти ҳақидадир. Бу кичик-кичик ҳикоялар, лавҳаларнинг ҳар бири заминда ўзбекчилик фазилати, ўзбек кишисининг қалб гавҳари бўлмиш ажиб хислатлари ифодасини топган. Сайидризо Ализода, Иброҳим Мўминов, Воҳид Абдуллаев, Улуғ Турсун, Қутбиддин Муҳиддинов каби устозлар, маърифат фидойилари ҳақида ёзади адиб. Аммо айни вақтда ҳеч бир амалу мансаби, илмий унвони бўлмаган, аммо ҳаётини эзгуликка, одамлар ҳожатини чиқаришга сарфлаган эътиқоди бутун, дили пок оддий кишиларнинг маънавий дунёси ҳам бу китоблар қатида чўғдай порлаб туради. Буларнинг ҳар бири бизга ибрат, сабоқ.*

*Зотан, Ғайбуллоҳ ас-Салом маънавият ҳақида оғиз кўпиртириб гапириш, назариябозлик қилишни хуш кўрмас эди, балки кўпроқ маърифатли, маънавияти баланд одамлар ҳаётини ўрганишни тавсия этарди. Бу улуғ инсоннинг умр йўли, ҳаётининг ўзи ҳам маърифатга жон фидо қилиш, маънавият ибрат йўли намунасидир.*

Xotira

*Ғайбулла ака жонажон Ватанимизнинг хушнуд кунлари — мустақиллик йилларида яшади, ўзгаришларни кўриб қувонди ва бунга муносиб ҳисса қўшиб кетди. Истиқлол — унинг армони, умр мазмуни эди. Шу боис яккаю ягона ўғли Ҳабибуллодан ажралган бўлса-да, бунинг таъсирида икки марта юрак хасталиги хуружини бошидан кечирган бўлса-да, ўзини бардам тутиб, ғайрат билан ижод қилди. Унинг ўз услуби, ўзига хос овози бор эди. Уни фақат ёру биродарлари, шогирдлари, зиёли аҳлигина эмас, балки бутун Ўзбекистоннинг эзгуликка қалби ташна кишилари эҳтиром этарди, матбуотдаги чиқишлари, китобларини одамлар зориқиб кутардилар. Домла хоҳ тарихимиз, хоҳ яқин ўтмиш, хоҳ тил мақоми, хоҳ адабиёт ҳақида фикр билдирмасин, тоза ва ҳикматона гапларни айтар, айни ҳақиқат бўлган долзарб ишларга кишилар диққатини қарата оларди.*

*Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ташкил этилган йилдан бошлаб, Ғайбуллоҳ Саломов шу олий даргоҳнинг профессори сифатида тингловчиларга дарс берди. Академиянинг илмий ҳаётида фаол иштирок этиб, жамоанинг ҳақли эҳтиромига сазовор бўлган эди. Биз бу кекса алломанинг нурли қиёфаси, илмий кенгашлардаги залворли фикрлари, насиҳат-ўгитларига ўрганиб қолган эдик. Биз домла билан фахрланардик. Умрини маърифатга, илмга сарфлаган, эзгулик йўлида меҳнат қилган бу заковатли инсоннинг руҳини Аллоҳ ўз жаннатидан сарфароз этсин, унинг ёрқин хотираси қалбимиздан ўчмагай. Зеро, олимнинг ҳаёти, ёзган ишлари, шогирдлари умрида давом этади.*

**Нажмиддин КОМИЛОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор**

Oramizdagi odamlar

## БАРИБИР, ФИДОЙИЛИК ЯХШИ

**ЎзДЖТУ — нуфузли университетлардан. Бошқаларни билмадиму мен шу олийгоҳда ўқиётганимдан жуда фахрланаман. Ётоқхонада тураман. Мўъжазгина хонам бор. Ётоқхона нима? Унинг аҳамияти эртанги кадрлар ҳаётида нечоғли ўрин тутади?**

**Гап шундаки, мен қарийб 4 йилдан бери университет ётоқхонасида яшайман. Бу ерда мутасаддилар, жавобгарлардан ташқари ётоқхона бошлиғи - комендант бўлади. У талабаларнинг ҳол-аҳволи, яшаш шароити билан қизиқади ва ётоқхонадаги мавжуд камчиликларни ҳал қилади. Мен мана шундай комендантлардан бири ҳақида гапирмоқчиман. Шу йил бизга комендант қилиб тайинланган Шоира Абдусолиева аввалига худди илгариги комендантлар сингари қўпол, заҳарханда бўлиб кўринди. Балки менга шундай туюлгандир... Мен бу опага астойдил қизиқа бошладим. У ёққа ўтсам ҳам, бу ёққа ўтсам ҳам салом бериб ўтаман. Ўзимни одобли, рисоладагидек қилиб кўрсатишга ҳаракат қиламан. Ахир нима бўлгандаям бизнинг устимиздан бошлиқда.**

**Лекин у, аксинча, одатдагидай қовоғидан қор ёққан, "Қаердан келяпсиз?" "Хонангизда кимлар бор?" "Нимага ундай, нимага бундай?" каби саволлари билан тергаб қўяди. Менга бу аёл ўзининг кимлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлаётгандек туюларди.**

**Бир куни ётоқхонага кираётиб комендант бир қиз билан гаплашиб турганини эшитдим. Суҳбат мана бундай тарзда кечаётган эди:**

**—Ҳа, йўл бўлсин, ясаниб олибсиз?**

**—Кўчага, айланиб келайлик.**

**—Айланиб? Шу маҳалда айланасизми? Соат саккиз ярим бўлди (кечки)!**

**—Ҳа, йўқ, айланишга эмас, концертга. Бугун...**

**—Концерт? Қанақа концерт экан у ярим кечаси бошланса. Қани, тез хонангизга! Марш!**

**Мана шу суҳбатни эшитганимдан кейин ўзимда бу аёлга нисбатан бошқача, илиқ фикрлар пайдо бўлди. Ахир ота-онасидан йироқда, назоратчиси йўқ талабани фарзандидек кўриб, уни тергаб қўйиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермаса керак.**

**Эринмасдан ҳар бир хонага кириб тозаликни текширади. Камчиликларни сўрайди. Ифлосликни ёмон кўради. Ҳар куни эрталаб, навбатчи қизларга ҳовлини супуртириб, тозалаттиради. Йигитларга "шанбалик" қилиб беради.**

**Ҳамма ундан "безор". Ётоқхонада ҳар куни усталар ишлайди. Бири девор оқлаган, бири суваган, бўяган. Шоира опа уларнинг ишларини бирма-бир синчиклаб текшириб юради. Қарабсизки, ўтган йилги қоронғи йўлаклар ёруғ ва шинам, эски овқат пишириш мосламалари ўрнига янги, замонавийлари келтирилган. Лекин негадир талабалар уни ёмон кўради.**

**Энди ювиниш анжомларини таъмирлаттиряпти. Иш вақти тугаб, уйга кетиш вақти бўлади ҳамки, у ҳалиям шу ерда. Усталарнинг ишларини жадаллаштириш билан овора. Ўзимча ўйлаб қўяман: "Нимага биз уни ёмон кўрамиз? Ахир у бизни илмли, маърифатли бўлишимизга шароит яратиб беряпти-ку. Бизни деб жон куйдиряпти-ку. Тўғри, ҳар бир янги сайланган бошлиқ бошида ўзини кўрсатиб, ободончилик ишларини олиб боради. Лекин у ундай эмас. Бир куни хонамда ётган эдим, бирдан бақирган овоз эшитилди. Ўша фидойи овоз: — "Сигарет қолдиғини нега бу ерга ташладинг?", "...". Мен секингина ёнбошлаб "Уффф", дедим-да ёстиқни бошим устига қўйиб, пинакка кетдим.**

**Ф.РАҲИМОВ,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

## ХОҲИШ БИЛАН ҲИСОБЛАШМАЙДИ

***Соғлом авлодни камол топтириш ҳаммамизнинг муқаддас вазифамиздир. Болалар соғ ўсиши учун уларни чиниқтириш, ўзини ҳимоя қилиш кўникмаларини шакллантириш, бахтсиз ҳодисалардан сақлаш керак. Чунки болажонларнинг қизиқувчанлиги, билиб-билмай қиладиган ҳаракатлари, аланга, учқун чиқарадиган ўйинчоқлар, мосламалар ўйнаши, пиротехник воситаларни ёқишлари натижасида тан жароҳати олишлари, ёнғин сабабчиси бўлишлари мумкин.***

***Юртимизда ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилаётган бир пайтда Ички ишлар вазирлиги ёнғиндан сақлаш бошқармаси бош мутахассиси, ички хизмат подполковниги Н.Мўминовадан республикамизда бугунгача бўлган маълумотларни сўрадик.***

Yong'in xavfsizligi oyligi

— Республикамиз ҳудудида шу йилнинг 10 ойи мобайнида 13072 та ёнғин содир этилиб, ундан кўрилган зарар 352172011 сўмни ташкил қилди. Болаларнинг қаровсиз қолгани ва шўхлиги оқибатида 2588 та ёнғин содир бўлган ва моддий зарар 32094536 сўмни ташкил этди. Энг ачинарлиси, ёнғинларда 170 нафар инсонларнинг ҳалок бўлгани, шулардан 44 нафари болалар эканидир. 971 нафар тан жароҳати олганлардан 273 нафари болалардир.

Шу йилнинг 15 октябрида Фарғона вилоятининг Киргули тумани Тургенев кўчасида яшовчи А.Мирзалиев учун фожиали кун бўлди. У шу куни иш билан бир манзилга бориб келиши керак эди. Аксига олиб болаларга қараб туришга бошқа ҳеч ким йўқ, нима қилиш керак, деб роса боши қотди. "Уйчининг ўйи битгунча - таваккалчининг иши битади" деган гап бор, Тезда қайтаман-да, ётиб қолармидим", дея бир фикрга келган Адҳамжон болаларнинг устидан қулфлаб, уйдан чиқди. Аммо таваккалчилик қимматга тушди... Фарзандлари 5 ёшли Носиржон ва 3 яшар Ширинхонлар ўзларича турли ўйинчоқларни ўйнашди, зерикишди ва қизиқроқ ўйин ўйлай бошлашди. Шунда улардан бирининг қўлига газ плитаси ёнида турган гугурт тушди. Бошларига қандай кулфатларни олиб келиши мумкинлигини билмаган болакайлар дастлаб хона ўртасида ётган целофан қопни ёқиб кўришди, ўйин-ўйин билан ёнишига маҳлиё бўлган акаси қўли куйгач, ёнаётган целофан қопни ташлаб юборди, қоп эса синглисининг кўйлагига ёпишиб қолди ва ёнишда давом этди...

Бу бахтсизлик биринчи ёрдам берилгунга қадар 95 фоиз куйиш тан жароҳати олиб улгурган қизчанинг ҳаёти шифохонада тугаши билан якун топди.

Ушбу ачинарли ва кўнгилсиз воқеа ёнғин ва унинг ачинарли оқибатларидан биридир.

Азиз юртдошлар, ота-оналар! Келинг, ўтказилаётган ушбу "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" тадбирида фаол иштирок этиб, ишхонада, уйда ўз хавфсизлигимизни таъминлаш чораларини кўрайлик. Зеро, огоҳлик бутун оиламизни, фарзандларимиз ва яқинларимизни ёнғинлар асоратидан сақлашнинг ишончли кафолатидир.

## «АЧЧИҚ МЕВА»СИ

**бир оз андишали зиддият ва йил бўйи давом этган можаро хусусида**

Келишмовчилик орқасидан айтишиб қолишган ўқитувчилар "иши"га милиция ходимлари, ҳаттоки, суд аралашди. Хонқа туман судининг судьяси Х.Машарипов жорий йилнинг 9 августида юқоридаги масалани кўриб чиқди ва суд фуқаролар М.Маликова ва Шарофат Маликоваларни Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддасида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир қилганликда айбли деб топиб, уларнинг ҳар бирига 2450 сўм миқдорида жарима солди.

Бироқ ўқитувчилар ўртасига совуқчилик тушди. Кичик муаммо, мулоҳазали зиддиятга, муросага келтириб бўлмайдиган можарога олиб келди. Оқибатда жамоада ёзув-чизувлар, пичинг аралаш гап-сўзлар кўпайди.

> **Бир-бирингизга хайр-эҳсонли, меҳр-оқибатли бўлиб, қўл бериб сўрашиб юринглар, шунда дилларингиздаги ғиллу ғашлик кетади.**
>
> ***"Ҳадис"дан.***

Таҳририятнинг топшириғига кўра, Хоразм вилоятида бўлиб, вилоят "Хоразм зиёкори" бош муҳаррири И.Оллаберганов ва ХТБ туман касаба уюшма қўмитаси раиси Р.Жуманиёзовлар билан биргаликда муаммоларни жойида таҳлил қилдик. Йиғилиш ўтказиб, жанжаллашган ўқитувчиларни муроса-ю мадорага келтирдик. Йиғилиш якунида айрим ўқитувчилар билан суҳбатлашдик.

— Ҳаммаси ҳеч қандай асоссиз З.Бейметовага синфни (тайёрлов гуруҳи — Қ.М.) топшир, деб ариза ёздиришдан, Ш.Маликовага синфни олиб беришдан бошланди, — деди тажрибали бошланғич синф ўқитувчиси Зуҳра Худойберганова, — Кўпгина текширишлар ўтказилди, мактабда ҳақиқат бўлмаганлиги туфайли ўқитувчилар орасида меҳр-оқибат йўқолди, кўп ҳақоратлар бўлди.

— Ҳар иккала ўқитувчига ҳам 13 соатдан дарс берилган, — деди мактаб илмий бўлим мудири Ж.Қуромбоев. — Ш.Маликова синф раҳбарлиги учун З.Бейметовадан тахминан 1250 сўм ортиқча пул олади, холос. Очиғи, мазкур масала шунчалик чигаллашиб кетади, деб сира ўйламаган эдик.

— Мен ҳозирги ишимни ҳам ташлашга розиман, — деди З.Бейметова. — Фақат орамиздаги меҳр-оқибат йўқолмаслиги тарафдориман.

— Мен директоримиз О.Сапоев масалани адолатли ҳал қилолмагач, бўлиб ўтган воқеалардан туман халқ таълими бўлими мудири Нормамат Ҳамроевни шахсан огоҳ этдим ва унга шу жамоа билан бир суҳбатлашинг, бу сизнинг менга берган орден-медалингиз бўлади, деб айтдим, — деди Р.Матёқубов. — Мудир эса мен билан истар-истамас гаплашди. У мени эътибор билан тинглаганида, балки муаммо ўшанда ҳал қилинган бўлармиди?

Биз ушбу мақолада кимнидир оқлаб, кимнидир қораламоқчи эмасмиз. Фақат Ражаббой аканинг бу гапларидан кейин ҳам мудир "жанжалли" илм масканига ташриф буюриш ўрнига "Мен тумандаги 50 та мактабнинг қайси бирига улгураман" деган иддаосига ва мактаб раҳбари О.Сапоевга ишга масъулиятсиз ёндашгани учун бирон-бир чора кўришни ҳам ўзига эп билмаганлигига қарши эътироз ва фикрларимизни билдирмоқчимиз, холос. Хуллас, таҳлил жараёнида муаллимларни "яраштириш", яъни муросага келтиришга арзимаган иш сифатида қаралганига амин бўлдик. Оқибатда можаро айни шу кунга қадар давом этиб келган. Зеро, бу ишга раҳбар аралашганида юқорида таъкидланганидек, масала жойида ҳал қилинган бўлар эдими? Шу ўринда узоқ йиллар Ш.Рашидов тумани халқ таълими бўлимига раҳбарлик қилган, кекса педагог Холмўмин Шукуровнинг ўз тажрибасидан келиб чиқиб айтган бир фикри ёдимизга тушади: "Хоҳ мактаб директори, хоҳ туман ХТБ мудири бўлсин, у ўқув йили давомида 100 соат атрофида ўқитувчилар дарсларини кузатишлари, таҳлил қилишлари зарур" (Биз ушбу илм масканида бўлган кунимиз мактаб раҳбари О.Сапоев Тошкентда малака ошираётган эканлар. Шу боис, унинг дарс кузатгани ҳақидаги маълумотни ололмадик). Ана шундагина маорифчилар сардори ҳар бир ўқитувчи ва жамоа ҳақида етарли маълумотга эга бўлар ҳамда жараён хусусида таҳлилий фикр юритиш санъатини эгаллай олар экан. Дарҳақиқат, жараённи таҳлил қила олмаган раҳбар мактабдан, таълимдан бутунлай узоқлашади. Натижада муаммолар жойида ҳал қилинмасдан, адолат тарозиси бузилаверади. Қисқаси, бу ҳақиқатни Хонқа тумани халқ таълими бўлими мутасаддилари чуқур англаб олишларига имонимиз комил.

**Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,**
**"Маърифат"нинг махсус мухбири**

**ТАҲРИРИЯТДАН:** ***Мақола тайёрланаётган пайтда ХТБ туман касаба уюшма қўмитаси раиси Р.Жуманиёзов таҳририятга қўнғироқ қилиб, муаммо ижобий ҳал қилинганини, туман ХТБ кенгаши қарори (11/3—30.XI.2000 й.) билан мактаб раҳбари О.Сапоевга эса ҳайфсан берилганини айтди. Нима ҳам дердик. Энди Хоразм вилояти ХТБдаги мутасаддилар ҳам бу масалага ўз муносабатларини билдиришлари тайин. Кўрайлик-чи!***

## АМАЛИЙ АНЖУМАН

*Яқинда Тошкент вилояти педагогика билим юртида вилоят ўқув муассасалари маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар муовинларининг амалий шўъба йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбир "Миллий қадриятлар ва уларнинг ўқув муассасаларида татбиқ этилиши" мавзуига бағишланди. Унда иштирокчилар миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар, қадриятларимизнинг ўқув муассасаларига татбиқ этилиши, вилоятдаги мавжуд мактабларнинг ҳар бир синфида дарсдан ташқари маънавият соатларини ташкил этиш борасида маърузалар қилишди.*

*Тадбир сўнггида қатнашчилар илм масканларида маърифат-маънавият соатларининг натижалари, самарадорлиги атрофлича таҳлил қилинди ва ундан тегишли хулосалар чиқарилди.*

**Б. ХЎЖАЕВ**

*Гарчанд номинг эрур Ҳазрати инсон,*
*Бироқ бир ишингга бўлурман ҳайрон.*

*Биргина нияти бузуқ инсоннинг маорифчилар сафида бўлиши, у ишлаётган ўқув масканининг ўқитувчи жамоасини, ҳатто ўқувчилар ва ота-оналар фикр-мулоҳазаларини заҳарлашга етарлидир.*



# «УНИВЕРСИАДА - 2002»ГА ҲОЗИРЛИК

*Шу йилнинг май ойи охирида Наманганда ўтган катта спорт байрами - "Универсиада—2000" газетхонлар ёдида бўлса керак. Рамзий маънода кичик олимпиада номини олган тадбирнинг тантанали ёпилиш маросимида Наманган вилояти ҳокими Т.Жабборов нуфузли спорт анжумани байроғини маросим қатнашчилари олқишлари остида Бухоро вилояти ҳокими С.Ҳусеновга топширган эди. Шу тариқа талаба-ёшларнинг навбатдаги улкан мусобақаси—"Универсиада—2002" байроғи Бухорои Шарифда кўтарилиб, кичик олимпиада машъаласи ёқилиши ният қилинди.*

*Албатта, ўн кун давом этиб, уч минг нафардан ортиқ талаба қатнашадиган бу қизғин мусобақаларда етарли шарт-шароитлар яратиш, қизғин ҳозирлик кўриш зарур. Спорт иншоотлари сонини кўпайтириш, мавжудларини кенгайтириш ва замон талаблари даражасига келтириш, ҳар томонлама яхши жиҳозлаш энг муҳим масалалардандир. Мазкур анжуманни юқори савияда ўтказиш, нафақат кўзда тутилган мусобақаларни ташкил этиш, балки барча қатнашчилар, меҳмонларнинг яшашлари учун яхши ва қулай шароит яратиш, маданий-маиший хизматларни бекаму-кўст йўлга қўйишга ҳам боғлиқ. Шу муносабат билан Бухоро вилоят ҳокимлигида шаҳар ва туманлар ҳокимлари, корхона ва ташкилотлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида "Универсиада—2002"ни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг йиғилишида "Универсиада—2002" спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш бўйича тадбирлар дастури ишлаб чиқиш таклифи ўртага ташланган эди.*

*Орадан бироз вақт ўтмай ана шундай дастур тайёрланди ва яқинда вилоят ҳокими бу муҳим ҳужжатни тасдиқлаб қарор қабул қилди. Қарорга асосан вилоят ҳокими С.Ҳусенов раислигида "Универсиада—2002"га ҳозирлик кўриш бўйича вилоят ташкилий қўмитаси, мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи тузилди. Дастурда спорт иншоотларини мусобақаларга тайёрлаш, универсиада шаҳарчасини бунёд этиш, қадимий Бухоро шаҳрини янада ободонлаштириш ишларини амалга ошириш сингари қатор вазифалар қамраб олинган. Келгусида "Универсиада—2002" дирекциясини тузиш, катта спорт анжуманининг пул-буюм лотереясини чиқариш, махсус ҳисоб рақами очиш каби ташкилий тадбирлар ҳам кўзда тутилган.*

*Шубҳасиз, бўлажак "Универсиада—2002" мамлакатимиз талаба-ёшларини янада яқинлаштириш, янги номлар, навқирон истеъдодларни кашф этиш, миллионлаб қалбларга хуш кайфият, завқ-шавқ улашишдан ташқари Шарқнинг мўйсафид шаҳарларидан бири—Бухоронинг бундан ҳам ёшариши, замонавий спорт иншоотларининг кўпайишига ҳисса қўшади ва ҳаётимиз зарварақларидан яна бир унутилмас, сермазмун, тарихий воқеа сифатида жой олади.*

**Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,**
**"Маърифат"нинг махсус мухбири**

**Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг "Олимпиада умидлари—2001" спорт мусобақалари ташкил этилиши бўйича Жиззах шаҳрида ибратли ишлар қилинаётир.**

**Спорт мусобақаларини уюшқоқлик билан, байрамона ўтказишда Алишер Навоий номли 3-, Йўлдош Охунбобоев номли 6-, Шукур Саъдулла номли 11-мактаблар жамоалари бошқаларга намуна бўлишмоқда.**

**Тўрт босқичдан иборат мусобақаларнинг биринчи босқичи — синфлараро мусобақаларда айрим спорт турлари бўйича ғолиблар аниқланди. 3-мактабда 5—6-синфлар ўртасида 6-"А" синфи баскетбол бўйича, 6-**

## ИЛК ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

**"Б" синфи футбол мусобақасида биринчи ўринни эгаллади. 7—8—9-синфлар ўртасида ўтказилган баскетбол мусобақасида 9-"А" синфи, футбол мусобақасида эса 8-"А" синфи учрашув ғолиби бўлди. 10—11-синфлар ўртасидаги футбол мусобақасида 11-"А" синфи биринчи ўринни эгаллади. Биринчи босқич мусобақаларида 550 нафар ўқувчи қатнашди. Мусобақаларни ташкил этишда мактаб директори О.Бекбоев, жисмоний тарбия ўқитувчилари Н.Ҳусанов, Д.Думаев, Д.Шарипова, Н.Абдуллаевлар синф раҳбарлари, педагоглар жамоаси ёрдамида уюшқоқлик кўрсатишди.**

**Шаҳардаги 6-ва 11-мактабларда синфлараро мусобақаларда шахмат ва футбол бўйича учрашувларда ғолиблар аниқланди. Мусобақалар қатъий жадвал асосида олиб борилмоқда.**

**Ғ.МИРЗАЕВ**

## "ОЛИМПИАДА УМИДЛАРИ —2001"

# ОММАВИЙЛИК — БОШ МАСАЛА

Куни кеча Халқ таълими вазирлигида мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган "Олимпиада умидлари — 2001" спорт мусобақалари биринчи босқичи ташкил этилишига бағишланган йиғилиш бўлди. Вилоят халқ таълими бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасининг спорт билан шуғулланувчи мутахассислари, "Ёшлик" кўнгилли спорт жамиятлари раис ўринбосарлари, Ўзбекистон "Ёшлик" КСЖ Марказий кенгаши ходимлари иштирокидаги йиғилишни халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Ахлиддинов кириш сўзи билан очиб, жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш ва тарғиб этиш, соғлом турмуш тарзини жорий этишнинг ўзаги бўлган мазкур мусобақанинг аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтди.

Нотиқ биринчи босқич мусобақаларининг ташкил этилиши кўп жойларда қониқарсиз бораётганини таъкидлаб, ҳар бир кун ва дақиқадан унумли фойдаланишга даъват этди.

Халқ таълими вазирлиги масъул ходими Т.Муҳитдинов "Олимпиада умидлари — 2001" спорт мусобақалари биринчи босқич мусобақаларини ташкил этишнинг аҳволи ҳақида гапириб, йиғилиш қатнашчилари эътиборини расмиятчилик учун ҳисобот беришга эмас, мусобақа Низомида қўйилган мақсадни амалга ошириш юзасидан олиб борилаётган ишларга, мавжуд муаммолар ҳақида сўз юритишга қаратди.

Йиғилишда "Ёшлик" КСЖ Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раис ўринбосари С.Саиджонов, Наманган, Сурхондарё вилоят кенгашлари раис ўринбосарлари И.Мўминов, З.Каримов, Бухоро, Хоразм, Фарғона вилоят халқ таълими бошқармаларининг спорт билан шуғуллаянувчи мутахассислари Ф.Ражабов, О.Қиличев, З.Исоқовлар мусобақаларни уюштириш ҳақида ахборот бериш билан моддий базалар юзасидан мавжуд муаммоларни ҳам айтиб ўтишди.

Ўзбекистон "Ёшлик" КСЖ Марказий кенгаши раиси М.Ҳайдаров Низомда белгиланганидек, мусобақаларни уюшқоқлик билан ўтказиш учун мутасадди ташкилотлар билан ҳамжиҳатликда иш олиб боришга йиғилиш қатнашчилари эътиборини қаратди.

Йиғилишда таъкидланганидек, аксарият жойларда об-ҳаво имкониятларидан фойдаланиб, ўйингоҳ ва очиқ спорт майдонларида ўтказиладиган спортнинг футбол, енгил атлетика, қўл тўпи мусобақалари ўтказилмаган. Эндиги вазифа имкони борича ушбу спорт турлари бўйича биринчи босқич мусобақаларини қатъий жадвалга кўра ўтказишга эришишдан иборат.

"Олимпиада умидлари — 2001" спорт мусобақалари ташкилий қўмиталари биринчи босқич мусобақаларини уюшқоқлик билан ўтказишга, илғор иш тажрибаларини матбуот, радио ва телевидениеда ёритишга, хуллас спортни кенг тарғиб қилишга даъват этилганлиги йиғилишда қайта уқтириб ўтилди.

**Ғ.МАННОПОВ**



## Xullas...

### СУДЬЯНИНГ ТАБАССУМИ

Германияда 3 яшар қиз суднинг қора курсисида ўтирарди. Сабаби, у йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаган.

Қизча ўз ота-онаси билан машинада Туркиядан йўлга чиққан ва Берлин бўйлаб кетишарди. Йўл полицияси машинани тўхтатди ва рулда ўтирган отадан ҳужжатларни сўради. Табиийки, туркча исмлар немис полиция вакилларига анча қийин туюлди. У судга чақирув қоғози ёзаётиб, бир-бирига жуда ўхшаш фамилиялардан отасиникини эмас, қизиникини янглишиб танлади.

Қизчани айбдор қиёфасида, яъни қўллари кишанланган ҳолда судга келтиришганида, судьянинг юзига табассум югурди. Чунки, биринчидан амалдаги қонунларга мувофиқ кичик ёшли болалар суд қилинмасди. Полиция ходимларининг хатосига кўра, йўл ҳаракати қоидасига амал қилмаган ҳайдовчи қизчаси туфайли 50 фунт жарима тўлашдан ҳам қутулиб қолди, деб хабар беради Ананова агентлиги.

### ЯРИМ АСРЛИК ҚИДИРУВ

Эстония фуқароси Эйнар Тамм билан унинг синглиси Лилли бир-бирларини кўрмаганларига 50 йил бўлди. Ярим асрдирки, Эйнар синглисини топиш учун елган, югурган, ниҳоят...

Ота-онаси билан Эстония-нинг Сааремаа оролчасида яшаётган ака ва сингиллар 1944 йилда бир-бири билан хайрлашган эдилар. Лилли ўша йили Германияга жўнаб кетди.

Эйнар ҳам Сааремаани тарк этган йилларда Лилли адрес бўйича ўз қадрдонларини топиш илинжида бир неча марта мурожаат қилган. Ака-сингилдан-да кўпроқ азият чекиб, Канадада яшаётган қариндошлари, хорижда чиқаётган эстонларнинг газетасига хат-хабарлар йўллаган. Йигирма йил аввал у Франция Қизил ярим ой жамиятидан ёрдам сўраган. Ҳар гал жавоб битта ва узил-кесил эди: Лилли Тамм ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Қариб-қартайган отахоннинг кўзларида севинч ёшлари жилваланди. 50 йил давом этган айрилиқдан сўнг унга хабар келди. Лилли хоним АҚШда яшаётган экан. Айтинг-айтинг, бу унинг синглиси бўлиб чиқсин-да...

### АФСУС "ЕДИРГАН" ШОКОЛАД

Молдавиялик жаноб Ион норасмий эмигрант сифатида бир ойлик муддатга Италияга келди. От заводига ишга жойлашган Молдавия фуқароси ривожланган мамлакатдаги тартиб-қоидалардан боши кўкка етди. Ойига 400 долларлик иш ҳақи, ўз юртида буни "яшил"ига солиштирганда, бор-йўғи 25 долларлик иш ҳақи оларди. Бунинг устига текин бошпана.

Отлар бу ерда шоколад билан боқилишини кўриб, Ионнинг ҳайратдан оғзи очилди. Ва нафсини тиёлмай, шоколадни отларнинг оғзига эмас, ўзининг оғзига тиқди. Бу ҳолат ҳар куни такрорланаверарди. Завод бошлиғи буни сезган куниёқ, , ширинлик ишқибозини ўз Ватанига қайтариб юборди. Шоколадни еган лаҳзадаги лаззат энди Ионга афсус келтирмоқда.

**ana shunaqa gaplar...**

## Sport maydonchasi

### СЎНГГИ ЎЗГАРИШЛАР

**ЎФФда ўзгаришлар давом этмоқда. Таниқли журналист Алишер Никимбоев федерациянинг мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказиш бўлимига, Ахбор Имомхўжаев ҳакамлар қўмитасига раҳбар этиб тайинландилар. Миллий терма жамоани эса собиқ Иттифоқда машҳур бўлган мураббий Владимир Сальков бошқарадиган бўлди.**

### ДЕҲИБАЛАНДДА КУРАШ

**Нурота туманининг Деҳибаланд қишлоғида "Курашимиз — ифтихоримиз" деб номланган мусобақа ўтказилди. Ғозғону Қизилчадан келган номдор полвонлар жами 60 нафар эди. Улардан 8 киши ўз вазнида ғолиб бўлиб, бир бош қўй ва биттадан гилам билан мукофотланди.**

### "МЮ" ЯНА ЭНГ БОЙ

**"Манчестер Юнайтед" клуби 2000 йил якунига кўра яна дунёдаги энг бой клуб деб эълон қилинди. Уларнинг бу йилги даромадлари 166 млн. долларга тенг бўлди. Иккинчи ўринни "Бавария" (Германия) — 125 млн, учинчи ўринни "Реал" (Испания) — 114 млн маблағ билан эгаллаб турибди.**

### ХОЛМУРОДОВ АНТАЛИЯГА КЕТАДИ

**"Насаф" ҳужумчиси Зафар Холмуродов Москванинг ЦСКА клуби билан бирга 15 декабрда ўқув-машғулот йиғини ўтказиш учун Туркиянинг Анталия шаҳрига жўнаб кетади. У ерда Зафар ўз имкониятларини намойиш қила олса, 2001 йилги мавсумни Россияда ўтказади.**

### ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

**Деҳлида шахмат бўйича ФИДЕ таснифи бўйича жаҳон чемпионати давом этмоқда. "Накоут—система"да ўтадиган 72 шахматчи курашаётган биринчиликда ҳамюртимиз Р.Қосимжонов биринчи босқичда россиялик П.Трегубовни мағлуб этди.**

# ТАЪЗИМГА САЗОВОР МУРАББИЙ

**Fanimiz fidoiylari**

Тарихнинг шундай фавқулодда қонуни мавжудки, унга кўра биз қанчалик тарихдан узоқлашсак, унинг барча қирралари шунчалик яққоллашиб боради. Яна шуниси ҳам ҳақиқатки, тарихнинг адолат мезони тарихни яратган кишиларнинг хизматларини баҳолашга асос бўлади.

Бу мезоннинг ҳақиқатлиги эса, инсоннинг ҳар қандай ижтимоий-сиёсий шароитда ҳам ўз имони, эътиқодини, амалий фаолиятини миллати, Ватани манфаатлари билан узвий боғлашида намоён бўлади.

Ўзбек халқининг мудҳиш мустабид тузумда ҳам ўзлигини йўқотмаганлиги миллат фидойиларининг хизматидир. Биз "қизил империя" ҳукмронлик қилган даврларда ҳам умуман ўзбек миллати маънавиятига, хусусан фалсафий тафаккур маданиятига, фанига улкан ҳисса қўшган Иброҳим Мўминов, Ҳасан Расулов, Воҳид Зоҳидов ва бошқа файласуфларнинг номини фахр билан тилга оламиз, хотирасини ёдда сақлаймиз.

Шу алломалар қаторида улар билан бир сафда туриб ижод қилган, кўплаб файласуф олимларга устозлик қилган Жалол Бобоев ҳам бор.

Ж.Бобоев 1928-32 йилларда Тошкент Давлат университетининг педагогика факультети тил ва адабиёт бўлимида таҳсил олгач, 1952 йилда ТошДУнинг Илмий Кенгашида ҳақиқат мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Фалсафа фанининг тарихи, ҳақиқат муаммолари, билиш назарияси ҳамда бошқа йўналишлари бўйича ўнлаб монографиялари, рисолалари, юзлаб мақолалари чоп этилди. Профессор Ж.Бобоевнинг илмий раҳбарлигида кўплаб олимлар номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар. Кейинги 25 йил давомида Ўзбекистон Миллий университетининг фалсафа факультети, фалсафа ва фалсафа тарихи кафедралари мудирлиги вазифасида ишлаб келди.

Бугун биз муҳтарам устозимиз Ж.Бобоев таваллудининг 90 йиллигини нишонлар эканмиз, ҳар қандай шароитда ҳам имон-эътиқодини, инсоний сифатларини юксак даражада сақлаб қолган талабчан, лекин меҳрибон устозимиз қошида таъзим қиламиз. Зеро, устознинг, мураббийнинг ҳурматини жойига қўйиш келажакдан умиди бўлган ҳар қандай кишига жоиз ва фарз бўлган хусусиятдир.



**С.ШЕРМУҲАМЕДОВ,**
**Ўзбекистон фалсафа жамияти президенти, академик**
**С.МАМАШОКИРОВ,**
**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор**

# ВАТАН

*Таърифинг сўзлашга сўз топмай Ватан,*
*Қалбим дунёсини тонггача кездим.*
*Тонг отди, қуёшнинг олмос нурларин*
*Сенга дея ушбу шеъримни битдим.*

*Кафтимда бир сиқим тупроқ, боқаман,*
*Чанқоқ кўзларимга бахш этар зиё.*
*Сен қандай мўъжиза? — аста сўрайман,*
*Тупроқ дер: "Ватанман, айла тўтиё".*

*Қуёш каби сен кулсанг Ватан,*
*Мен бағрингда жажжи бир чироқ.*
*Сен уммон бўлсанг азиз Ватан,*
*Муниса бағрингда мен мавжли ирмоқ.*

*Бўстон эрсанг, мен бир ниҳолинг,*
*Мангу яша, эй буюк Ватан.*
*Иқболимдир сенинг иқболинг,*
*Жоним сенга бахшида Ватан.*

**Муниса НИШОНОВА,**
**Юнусобод туманидаги 21-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси**

# БЕЛЛАШУВ

**Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманидаги "Қўшимча техник таълим мажмуаси"да "Ёш техниклар турнири" мавзуи остидаги иқтидорли болалар кўрик танлови ўтказилди. Унда мажмуанинг барча тўгаракларидан 180 нафардан ортиқ ўқувчилар белгиланган йўналишлар бўйича иштирок этдилар. Танловда қатнашчиларнинг "Юмшоқ ўйинчоқ", "Ёғоч ўймакорлиги", "Бошланғич техник моделлаш", "Бадиий конструкторлаш" ишлари ва бадиий чиқишлари ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди. Танловда ғолиб чиққан қатнашчилар Тошкент шаҳар "Иқтидорли болалар" анжуманида қатнашиш учун йўлланмани қўлга киритишди.**

**Гулчеҳра МУСЛИМОВА**

# УЧРАШУВДА ФИЛЬМ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

*Тошкент Давлат техника университети қошидаги Чилонзор академик лицейида Ибн Сино халқаро жамғармаси бошқарувининг раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Шуҳрат Иргашев ва раис ўринбосари, профессор Зуҳра Ботирова ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ОИТСга қарши кураш бўйича лойиҳасининг Ўзбекистондаги "Ишонч" ("Доверие") пункти ассистенти Борис Шелеповлар меҳмон бўлишди.*

*Дастлаб учрашув иштирокчилари эътиборига лицейда тайёрланган XX аср вабоси тўғрисидаги фильм намойиш этилди. Унда ОИТС касаллиги ҳақида умумий маълумотлар, унинг келиб чиқиши, асоратлари ва айни кунда бутун инсоният учун хавфи атрофлича талқин қилинди. Сўнг мутахассис олимлар сўз олишиб, лицей ўқувчиларининг кўплаб саволларига жавоб бердилар.*

**Муҳаммадодил ХЎЖАМАТОВ,**
**талаба**

# ЎҚИТУВЧИГА АЙТАР СЎЗИМ

Бахт-саодатни инсонга фақат ҳалол ва тинимсиз меҳнатгина келтиради.

Инсон учун маънавий, руҳий озуқа, моддий озуқадан минг марта афзалдир.

Эгаллаган асосий касбимиз кундалик ҳаётимиз учун керак, бошқа касблардан қисман бўлса-да, хабардор бўлишимиз кунда эмас, кунида керак бўлади. Шундай экан, ўқувчиларимизнинг кўп қиррали қизиқишларини аниқлаб, уларни атрофлича ҳаётга тайёрлаш биз ўқитувчилар зиммасида эканлигини доимо ёдда сақлашимиз лозим.

Биргина нияти бузуқ инсоннинг маорифчилар сафида бўлиши, у ишлаётган ўқув масканининг ўқитувчи жамоасини, ҳатто ўқувчилар ва ота-оналар фикр-мулоҳазаларини заҳарлашга етарлидир.

Баъзида оила ўртасида келишмовчилик бўлса, фарзандлар уларни чегалайди. Фарзандларнинг вояга етиб бориши чегаланган изни йўқотиб боради.

**Асқар СУЛАЙМОНОВ,**
**Сирғали туманидаги 237-мактаб раҳбари**

# ТЎРТЛИКЛАР

*Гарчанд номинг эрур Ҳазрати инсон,*
*Бироқ бир ишингга бўлурман ҳайрон.*
*Нечун ўз кўнглингни қувнатиш учун,*
*Ўзгалар дилини этасан вайрон.*

* * *

*Ажабланманг жоҳил отадан,*
*Туғилса гар оқил зурриёт.*
*Чунки дағал ва метин тошдан*
*Нафис чинни бўлғуси бунёд.*

* * *

*Кекса қоматларга таянчсан асо,*
*Уларнинг хизматин этавер адо.*
*Йигитлар қомати эгилмасин ҳеч,*
*Суянчи бўлмагин уларнинг асло.*

* * *

*Кундузлар юлдузни кузатар инсон,*
*Тубсиз уммон ичра ёқар у чироқ.*
*Етти қат заминдан тиллолар топар,*
*Кўзининг остини кўрмайди бироқ.*

**Ғулом ЎРИНОВ,**
**Чироқчи туманидаги 63-ўрта мактаб ўқитувчиси**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети механика-математика факультети жамоаси Алгебра ва сонлар назарияси кафедраси доценти Рўзимат Дадажоновга отаси
**Нормат ДАДАЖОНОВ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ жамоаси ўзбек тилини ўқитиш назарияси ва методикаси бўлими илмий ходими Гулнора Аҳмедовага отаси
**Мухтор АҲМЕДОВ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети маъмурияти, касаба уюшмаси ва мусиқа факультети жамоаси Вокал кафедрасининг собиқ катта ўқитувчиси
**Маҳкам БОБОЕВ**нинг
вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ректорати, физика-математика факультети, "Математика ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси жамоаси таниқли олим, педагог
**Нормат ДАДАЖОНОВ**нинг
вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 308-мактаб педагогик жамоаси шу мактаб илмий бўлим мудири
**Дилбар ПЎЛАТОВА**нинг
вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

*Таҳрир ҳайъати*: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

**Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.**

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
**ТЕЛЕФОНЛАР:** Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газетани IBM компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

Навбатчилар: Дилбар ХЎЖАЕВА, Беҳбуд БОТИРОВ.

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-1117. Тиражи 18.686. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.**

*«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.*
**Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй**

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.